

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФРАНЦИЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Франция Республикаси Президенти
Эммануэль Макроннинг таклифига
биноан давлат ташрифи билан
Париж шахрига келди.

Самолёт олдида Ўзбекистон етак-
чисини Франция миллий таълим,
олий таълим ва илмий тадқиқотлар
вазирлиги Элизабет Борн, Париж ҳар-
бий округи қўмондони генерал Лоик
Мизон ва бошқа расмий шахслар
кутиб олди.

“Орли” халқаро аэропортида
олий мартабали меҳмон шарафига
икки мамлакат давлат байроқлари
кўтарилди, фахрий қоровул саф-
тортиди.

Мамлакатимиз делегацияси жой-
лашган қароргоҳ олдида Францияда
ўқиётган, ишлаётган ва илмий изла-
нишлар олиб бораётган бир гуруҳ
вагондошларимиз Президент Шавкат
Мирзиёевни катта хурсандчилик

ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАР СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев 11 март куни бўлиб
ўтган телефон орқали мулоқотда
Бирлашган Араб Амирликлари
Президенти Шайх Муҳаммад бин Зоид
Ол Наҳаённи таваллуд куни билан
самимий табриклади.

Мамлакатимиз етакчиси БАА
Президентига мустақкам соғлиқ ва
фаровонлик, давлатчилик фаолият-
ида катта муваффақиятлар, дўст
Амирликлар халқига тинчлик-осо-
йишталлик ва равақ тилади. Давлат
раҳбарлари бутун мусулмон уммати
учун муқаддас бўлган Рамазон ойи
муносабати билан ҳам бир-бирла-
рини самимий қутлади.

Ўзбекистон Президентининг жор-
рий йил январ ойида БААга амалга
оширган ташрифи икки томонлама
муносабатлар тарихида янги саҳи-
фа очиб, уларни стратегик шерик-
лик даражасига кўтаргани алоҳида
таъкидланди. Эришилган келишув-
ларни амалга ошириш учун алоҳи-
да “йўл харитаси” қабул қилинди.

Етакчилар Ўзбекистон билан
БАА ўртасидаги кўп қиррали ҳам-
корлик, энг аввало, савдо-иқтисо-

Ўзбекистон — Франция: УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА РАВНАҚҚА ЭРИШИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Президент
Эммануэль Макроннинг таклифига биноан 11 март куни давлат
ташрифи билан Францияга борди.



Франция ривожланган индустриал-аграр
мамлакат бўлиб, саноат ишлаб чиқариши бўйи-
ча дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.
Иқтисодий салоҳият бўйича Франция жаҳоннинг
энг ривожланган етти давлати қаторига қиради. У
ядровий давлат ва БМТ Хавфсизлик кенгашининг
беш доимий аъзосидан бири, шунингдек, Европа
Иттифоқи ва халқаро майдонда муҳим ўринга эга.

Франция Ўзбекистон мустақиллигини 1992
йил 3 январда тан олган ва мамлакатларимиз ўр-
тасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 1
мартда ўрнатилган. 1993 йил 27 октябрда “Дўст-
лик ва ҳамкорлик тўғрисида”ги шартнома имзо-
ланиши билан муносабатларнинг кейинги дина-
микаси мустақамланди.

Бугуннинг гапи

Бир пайтлар олийгоҳга ўқишга кириш кўпчилик учун
етиб бўлмас орзу эди. Аксарият ҳолларда билимли
йигит-қизлар эмас, балки таниш-билиши борлар
талаба бўларди. Олий таълимга киришдаги 1 август
“операция”лари ҳам барчамизнинг эсимизда.
Кириш имтиҳонларида юқори балл олиш “тизим”и
шунчалар зўр йўлга қўйилгандики, вақти келиб унинг
йўқолишига, тўғриси, ҳеч ким ишонмасди.

АДОЛАТ ВА ШАФФОФЛИК — УСТУВОР ҚАДРИЯТ КОРРУПЦИЯНИ ИЛДИЗИ БИЛАН ЙЎҚОТИШНИ ТАЪЛИМДАН БОШЛАШ ЗАРУР

Бироқ давлатимиз раҳбарининг куч-
ли сиёсий иродаси бу “катта бозор”ни
чилпарчин қилди. Олий ўқув юртига ки-
риш ушалмас орзу эмас, билим асосида
баҳоланадиган ҳақиқий имкониятга ай-
ланди. Авваллари кўпчилик фақат пул ва
таниш-билиш орқали ўқишга кира олиш

мумкин деб ўйларди. Лекин сўнгги йил-
ларда қабул жараёнига киритилган шаф-
фофлик, адолатли баҳолаш тизими ва
коррупцияга қарши курашиш чоралари
бу тасаввурни тубдан ўзгартирди.

► Давоми 3-бетда

Янгича ёндашувлар СТАРТАПЛАР ЛАБОРАТОРИЯСИ ҒОЯЛАР ЛОЙИҲАЛАРГА АЙЛАНМОҚДА



Ҳаким Йўлдошев олган сурат.

Давр ёшлари инновациялар, ғоя ва ташаббусларнинг битмас-
туганмас манбаидир. Бугунги кунда ёшлар фаоллиги ҳар
қачонгидан ҳам муҳим, зеро, улар жамият тараққиётини
ҳаракатлантирувчи асосий кучдир. Келажагимиз эгаларининг
орзу-интилиши, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш
давлатимиз сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши бўлиб,
бу йўлда улкан ишлар қилинаётганига гувоҳимиз. Хусусан, уларни
илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга кенг жалб этиш,
иқтидорли, ташаббускор ёшларнинг ўз интеллектуал салоҳиятини
намоён қилиши учун шароитлар яратишга, стартап лойиҳаларни
ривожлантириш ва амалга оширишга катта эътибор қаратилаётир.
Иқтидорли ёшларни кашф этишда ҳудудлардаги Ёшлар
технопарклари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Нукус ёшлар технопарки 2022 йил таш-
кил этилган. Орадан қисқа муддат ўтганига
қарамай, 3,5 мингдан ортиқ ёшни қамраб
олди. Лабораторияда илмий изланишлар
қилиниб, янги модда яратилади ёки би-
роқ маҳсулот тегишривлардан ўтказилади,
таркиби ўрганилади. Мақолада биз сизга
таништирмақчи бўлган ушбу технопарки
стартаплар лабораторияси дейиш мумкин.
Сабоби 2023 йилнинг ўзида технопарк
азъолари томонидан шакллантирилган
18 та лойиҳа давлат грантларини ютиб
олиб, амалиётга жорий этилган, 13 та

лойиҳанинг прототиби яратилган. Ҳўш, бу
муваффақиятларнинг сири нимада?
Технопаркда жами 13 ҳодим фаолият
юритади. Замонавий компьютер тўпламла-
ри, бепул интернет, 3D принтер, ардуино
ва лево курилмалари, шунингдек, ўз ло-
йиҳалари устида ишлаш учун қоворқинг
ҳудуд мавжуд. Иқтидорли, инновация
соҳасига қизиқувчилар халқаро ва ички
грантларга йўналтириб борилади, лойиҳа-
ларнинг прототипларини ишлаб чиқишда
амалий ёрдам кўрсатилади.

► Давоми 5-бетда

ҲАР БИР ДАРАХТНИНГ
БОҒБОНИ БОР

Яшил макон

Фарғона вилоятининг шимоли-шарқий қисмида
жойлашган Каркидон сув омбори атрофидаги
минглаб гектар ер асрлар давомида кўпнинг
этиборидан четда қолди. Сув йўқлиги баҳонасида
шу кунга қадар бирон туп ниҳол ўтказилмади.
Туя ўрқачли поёнсиз кентликлар, баланд-паст,
тош-шағалдан иборат, кўз илғамас дала-даштар
қаровсиз, кимсасиз ҳудудга айланди...

Қува туманидаги Каркидон сув омбори иншооти қишлоқ
хўжалиги тармоқларини ривожлантириш мақсадида 1967 йили
қурилган. Унга сув Исфайрам сойи ва Жанубий Фарғона каналидан
келиб қўйилади. Иншоотнинг тўлиқ ҳажми 216 миллион куб метрни
ташкил этади. Максимал чуқурлиги 70 метр.

► Давоми 4-бетда

Шарҳ

ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА

ЯНГИ ҚОНУН НОРМАЛАРИ ТАБИАТ МУСАФФОЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР ҚИЛАДИ?

Мамлакатимизда глобал иқлим ўзгаришлари
ескинлашувидан келиб чиққан ҳолда атроф-муҳит
муҳофазаси масалаларига давлат сиёсати даражасида
эътибор қаратилмоқда.

Ўтган йилларда соҳанинг му-
камал ташкилий-ҳуқуқий асо-
лари яратилди. Ҳар бир экологик
тадбирнинг молиявий манбалари
аниқланди. Сув, ер, биохилма-хил-
лик ресурслари ва атмосфера ҳа-
воси муҳофазасини таъминлашга
йўналтирилган концепция ва стра-
тегиялар ишлаб чиқилди. Уларда
белгиланган вазифаларни амалга

ошириш ҳисобига муҳофаза эти-
ладиган табиий ҳудудлар майдони
кейинги 5 йилда 8-14 фоиз, ўрмон
фондидаги ер 12 фоиз кенгайти-
рилди. Биргина Орол денгизининг
қуриган 2 миллион гектарга яқин
майдонда яшил қопламалар барпо
этилди.

► Давоми 4-бетда



2025 йил 12 март, 50-сон



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz

СИЁСАТ



ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон — Франция:

УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА РАВНАҚҚА ЭРИШИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК



Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги идораларо даражадаги ҳамкорлик кенг йўналишларни қамраб олади. 2023 йил 2 ноябрда икки давлат раҳбарлари иштирокида таълим, маданий мерос ва ичимлик сув таъминоти инфратузилмасини яхшилаш соҳаларига оид қатор келишувлар имзоланди.

Бундан ташқари, 2023 йил 2 ноябрдаги ташриф чоғида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган мулоқотда муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтариш нияти эълон қилинган эди. “Яшил” энергетика ишлаб чиқариш, хомашё қазиб олиш ва қайта ишлаш, инновацион қишлоқ ҳўжалиги, сув таъминоти, логистика, инфратузилмани ривожлантириш ва туризм соҳаларида янги йирик лойиҳаларни илгари суриш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Парламентларо ҳамкорлик делегациялар алмашинуви, икки мамлакат парламентларидаги дўстлик гуруҳлари фаолияти, парламентларо бирлашмалар ва кўп томонлама парламент тузилмалари томонидан ташкил этилаётган халқаро тадбирларда иштирок этиш орқали изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Франция парламентарийларининг ўзаро ҳамкорлиги тажриба алмашishi, глобал ва минтақавий муаммоларни муҳокама қилиш, шунингдек, кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ва Франция Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда. Унинг ўн бешинчи давраси 2024 йил 27 майда бўлиб ўтди. Унда икки давлат дипломатлари Ўзбекистон — Франция муносабатларининг бугунги ҳолати, олий даражадаги ўзаро ташрифлар чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш, ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар. Халқаро ва минтақавий муаммолар, шунингдек, турли даражадаги бўлажак қўшма тадбирлар жадал ва кун тартиби юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон ва Франция БМТ, ЕХХТ каби халқаро тузилма ва ташкилотлар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Иккала томон глобал ва минтақавий даражада хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш истиғини яна бир бор тасдиқлайди. Франция Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ишончли мустаҳкамлаш, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш, шунингдек, Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги янги битимни тезроқ имзолаш борасидаги саъй-ҳаракатларини янада қўллаб-қувватлашга тайёр.

Икки давлат савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор. Ўзбекистонда яратилган қўлай ишбилармонлик муҳити ва сармоявий имкониятлар француз бизнеси вакиллари тобора кўп жалб қилмоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистон Франция технологияларини жалб этиш, саноат ва ишлаб чиқариш соҳаларида илгор тажрибалардан фойдаланиш, ўзаро сайёҳлик алмашинувини кенгайтиришдан манфаатдор. Ўзбекистоннинг Европа Иттифонининг “GSP+” имтиёзли тизимининг бенефициари макomini олгани савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш учун янги имкониятлар очди. 2024 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ўтган йилга нисбатан қарийб 14 фоиз ошиб, салкам 1,2 миллиард долларга етди. Бугун мамлакатимизда француз шериклар иштирокидаги 50 та корхона, жумладан, 23 таси 100 фоиз француз капитали билан фаолият юритмоқда.

“Total Eren”, “Veolia”, “EDF”, “Orano”, “Lactalis”, “Carrefour” ва “Shiever” каби компаниялар Ўзбекистонда энергетика, геология-қидирув, озиқ-овқат саноати ва чакана савдо соҳаларида фаол ишлаяпти. Франция тараққиёт агентлиги (ФТА) Ўзбекистонда шаҳар инфратузилмаси, “яшил иқтисодиёт”, санитария, гидроэнергетика ва қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш лойиҳаларида иштирок этади. 2022 йил ноябрда ФТА билан 2023-2025 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланган бўлиб, у 1 миллиард евролик лойиҳаларни амалга оширишни кўзда tutади.

2023 йил ноябрда Самарқанд ва 2024 йил май ойида Парижда Франция компанияларининг 60 нафар раҳбари иштирокида ўтказилган Ўзбекистон — Франция бизнес-форумлари ҳамда Франциянинг “МЕДЕФ

Интернациональ” тадбиркорлик ҳаракати билан икки томонлама бизнес-форум, шунингдек, улар натижасида имзоланган келишувлар ишбилармонлик ҳамкорлигини кенгайтиришдан ўзаро манфаатдорлик юқори эканини яна бир бор тасдиқлади.

2024 йил 4 июнь кuni Париж шаҳрида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо комиссиянинг 10-мажлиси бўлиб ўтди. У ишбилармонлик алоқаларини мус-

Ўзбекистон ва Франция маданий-гуманитар ҳамкорликни мустаҳкамлаш, маданиятларо мулоқотни ривожлантириш, таълим, фан ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳамкорлик қилишга интилоқда. Бу эса иккала маданиятни бойитиш ва халқлар ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилаётди.

2022 йил ноябрда машҳур Лувр музейида Ўзбекистоннинг бой маданий меросига



Ҳаким Йўлдошев олган сурат.

ТАЪЛИМ ВА ФАН СОҲАСИДА, АЙНИҚСА, ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ФРАНЦУЗ ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШ БОРАСИДА ҲАМКОРЛИК МУВАФФАҚИЯТЛИ РИВОЖЛАНМОҚДА. АЙНИ ПАЙТДА МАМЛАКАТИМИЗДАГИ 602 ТА МАКТАБДА 141,3 МИНГДАН Ортиқ ўқувчи, шунингдек, 11 та ОТМДА 15 МИНГ ТАЛАБА ФРАНЦУЗ ТИЛИНИ ЎРГАНМОҚДА.

тахкамлаш ва кенгайтиришда муҳим ўрин тутади. Ушбу платформадаги мулоқот ҳамкорлигининг ўзаро манфаатли янги йўналишларини аниқлаш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш истиқболларини муҳокама қилиш имконини беради.

багишланган “Ўзбекистон воҳалари хазиналари. Карвон йўллари чорраҳасида” кўргазмасининг очилиши маданият соҳасидаги ўзбек-француз ҳамкорлиги тарихидаги ёрқин воқеа бўлди. 2023 йил мартигача давом этган кўргазмада Ўзбекистондаги 16 та музейдан

СУВ ТАЪМИНОТИДА “АҚЛЛИ” БОШҚАРИШ ТИЗИМИ

Ижтимоий тармоқлардаги бир хабар эътиборимни тортди. Унда 2030 йилга бориб, бир литр сув худди шу ҳажмли бензиндан қимматроқ бўлиши баён этилган. Бу тахмин. Лекин бугун дунёда кечаётган экология ва иқлим ўзгаришларидаан хулоса қилиш мумкинки, буни 2030 йилда бўлмаса ҳам тез орада кўрадиканга ўхшаймиз.

Сувни тўғри ва тежамкорлик билан сарфлаш нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунёда долзарб масалага айланган. Чунки сув истеъмоли йилдан йилга ортиб бормоқда, захиралар эса чексиз эмас. Буларнинг барчаси дунёнинг аксарият мамлакатларида сув ресурсларини бошқаришга энг янги ва юқори самара берадиган технологияларни жалб этишни тақозо қилмоқда.

Мутахассислар ҳисоб-китобига кўра, ҳозир Ер юзида қарийб 1,1 миллиард киши турли даражадаги сув танқислигидан азият чекмоқда. 2030 йилга бориб, мамлакатимизда ҳам сув танқислиги кузатилиши ҳамда бунинг оқибатида Ўзбекистон дунёдаги сув танқис бўлган 33 давлат қаторига тушиб қолиш эҳтимоли йўқ эмас.

2025 йил январь ойи ҳолатига кўра, Ўзбекистон аҳолисининг 81 фоизи марказлашган ичимлик сув билан таъминланган. Сўнгги олти йилда ичимлик сув таъминотини яхшилашга 10 триллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Ушбу маблағ ҳисобидан 1176 та сув иншооти, 20,8 минг километр ичимлик сув тармоғи тортид.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини ва сув ишлаши самарадорлигини ошириш борасида қатор вазифалар белгиланган. Хусусан, сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарнинг йиллик қувватини 300 минг гектарга етказиш, барча ичимлик сув истеъмоличиларига ҳисоблагичлар ўрнатишни таъминлаш, ичимлик сув сифати, ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси, сув таъминоти ва канализация корхоналари самарадорлик кўрсаткичларини жорий этиш масалалари шулар жумласидан.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Агроф-муҳитини асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида ҳам бу вазифалар ўз аксини топди. Жорий йилда сарфланаётган сувнинг ҳисоби ва ҳисоботи тўлиқ юритилишини таъминлаш мақсадида магистрал каналлар ва муҳим сув объектларидан сувнинг ягона онлайн ҳисобини юритиш тизими жорий этилиши, 1,8 минг километр ичимлик ва оқова сув тармоғи, 77 та ичимлик ва оқова сув иншооти қурилиши ҳамда реконструкция қилиниши белгиланган.



Энг муҳими, ичимлик сув тизимида маъна эскирган 746 та насос ускунаси энергетика-ҳамкорларига алмаштирилади, ҳудудларда 65,2 мегаватт қувватга эга қуёш панеллари, сув иншоотлари ва магистрал сув тармоқларида 955 та замонавий сув ҳисоблагич ўрнатилади ва барча ичимлик сув таъминоти корхоналарида сифат мониторингини юритиш ва маълумотларни бошқариш марказлари яратилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил 28 февраль кuni имзоланган “Осиё тараққиёт банки иштирокида “Иқлим технологиялари орқали сув ресурсларини бошқаришни ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ана шу мақсадларга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Мазкур қарорда қатор мақсадлар, молиявий ресурслар, имтиёзлар назарда тутилмоқда. Хусусан, ичимлик сувнинг янги ҳисобини юритиш учун йирик сув иншоотлари ва магистрал қувурларга 4,8 мингта ҳисоблагич ҳамда 2,8 мингта телеметрия тизими ўрнатилади. Шунингдек, 12,7 мингта сув иншооти ҳамда 80 минг километр ичимлик ва оқова сув тармоғининг рақамли харитасини (GIS) жорий этиш орқали инфратузилмани янгилаш ишлари самарадорлигини ошириш назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, сув таъминотида “ақлли” бошқариш тизимини жорий этиш орқали йўқо-тишлар даражасини камайтириш, 5,1 миллион

истеъмолчини қамраб олган биллинг тизимини такомиллаштириш, сув таъминоти корхоналари молиявий ҳисоботининг халқаро стандартларга ўттиш ва консолидациялашган ҳисоб-китобини юритиш ҳамда республика ва ҳудудий сув таъминоти корхоналарида ягона ситуацион марказ ташкил этиш орқали аварияларни тезкор бартараф қилиш тизимини жорий этиш лойиҳанинг асосий мақсадли кўрсаткичлари сифатида белгиланди.

— Бугунги кунда барча соҳаларда бўлгани каби “Ўзсувтаъминот” АЖ тизимида ҳам рақамлаштириш, трансформация қилиш жараёналари изчиллик билан амалга оширилмоқда, — дейди “Ўзсувтаъминот” АЖ бош мутахассиси Достон Аҳмаджонов. — Мазкур лойиҳа доирасида барча сув таъминоти корхоналари маълумотлари ва сув тармоқларини тактик бошқариш мақсад қилинган. Энг муҳими, жамият ва тизим корхоналарида халқаро молиявий ҳисоботлар стандартларини жорий этиш кўзда тутилган. Натижада тизим тўлиқ рақамлаштирилади ва ишлаб чиқарилган сув ҳисоботини юритиш ҳамда йўқотишларни аниқ ҳисоблаш йўлга қўйилади.

“Ўзсувтаъминот” АЖ томонидан лойиҳанинг умумий қиймати 143 миллион доллар бўлган техник-иқтисодий асоси белгиланган тартибда ишлаб чиқилган. Лойиҳани амалга ошириш учун Осиё тараққиёт банки томонидан 125 миллион доллар миқдоридида қарз ажратилади. Ушбу маблағ 5 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олгани ҳолда 25 йил муддатга тақдим этилмоқда. Лойиҳа 2025-2029 йилларда рўёбга чиқарилади.

Қарор билан “Иқлим технологиялари орқали сув ресурсларини бошқаришни ривожлантириш” лойиҳасининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари, мазкур лойиҳа доирасида ОТБнинг қарзини қайтариш ва фозиларни тўлашнинг прогноз жадалли тасдиқланди.

“Ўзсувтаъминот” АЖ лойиҳани ўз вақтида сифатли амалга ошириш ва Осиё тараққиёт банки қарзидан мақсадли фойдаланиш бўйича масъул ижрочи орган ҳамда қарзнинг қайтарилиш борасида жавобгар ҳисобланади.

Мамлакатимизда 2026 йилда аҳолининг марказлашган ичимлик сув билан таъминланганлик даражасини 90 фоизга етказиш режалаштирилган. Ушбу қарор стратегия ва давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, хусусан, ичимлик сувнинг аниқ ҳисобини юритиш, инфратузилмани янгилаш, йўқотишлар даражасини камайтириш, биллинг тизимини такомиллаштириш, аварияларни тезкор бартараф этиш тизимини жорий қилиш орқали ичимлик сув таъминотини янада яхшилашга хизмат қилади.

Д.ХАЙРУЛЛАЕВ,
журналист

ИФТОРЛИК ВА САҲАРЛИКЛАР ДАБДАБАДАН, РИЁДАН ХОЛИ БЎЛСИН

Муносабат

Ҳар йили Рамазон ойини кўтаринки руҳда қутиб оламиз. Бу ойда мўмин-мусулмонларнинг меҳри ва саховати, муруввати ва футуввати жўш уради. Муқаддас ислом дини таълимотида мувофиқ, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга хайру саховат кўрсатилади.

Президентимизнинг шу йил 27 февралдаги “Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги қарорига биноан бу ойи шариф “Рамазон — саховат, бирдамлик ва бағрикенглик ойи” ғояси асосида мамлакатимиз бўйлаб юқори савияда ўтказилмоқда.

Рамазонда рўза тутишнинг ҳикмати кўп. Чунки Аллоҳ таоло рўза тутиш учун ушбу ойни танлаган. Бу ойда Қуръон ноил бўлган. Ояти қаримада бундай марҳамат қилинади: “Эй имон келтирилганлар! Сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди, шояд (у сабабли) тақволи бўлсангиз. Саноқли кунларда” (Бақара сураси, 183-184-оятлар).

Рўза Одам алайҳиссаломдан то Мухаммад алайҳиссалом давригача ўтган барча пайғамбар ва умматларга фарз қилинган. Лекин рўза тутишнинг шарт ва қоидалари турлича бўлган. Баъзи умматлар Рамазон ойи ёзининг иссиқ кунларига тўғри келиб қолса, Аллоҳдан ёки Унинг пайғамбаридан бенизоат шаккоклик ила оини бошқа ойларга қўчириб, бу қилишларнинг жараимаси учун ўзларича яна ўн кун қўшимча рўза тутган.

Ҳалим бўлиш, ўзгалар билан уришиб-тортишмаслик, жажли чиққан вақтда ҳам ўзини қўлга ола биллиш рўзадорнинг одобларидан. Бу ҳақда пайғамбаримиз соллалоху алайҳи васаллам бундай хабар берганлар: “Рўза қалқондир. Қачон бирортангиз рўзадор бўлса, ёмон зан гапирмасин, жоҳиллик қилмасин. Азар бирор киши у билан уришса ё уни ҳақорат қилса: “Мен рўзадорман, мен рўзадорман”, десин”, дедилар” (Имом Абу Довуд ривоятли).

Ҳадиси шарифдаги “қалқон” дея таржима қилинган “жунатун” калимаси лугатда “тўсувчи”, “ҳимоя қилувчи” каби маъноларни англатади. Шунга кўра, уламолар ушбу калимадан қандай маъно кўзлангани ҳақида қуйидагиларни айтганлар: “Набий алайҳиссалом рўзадорнинг яна бир сифатини таъкидлаб, “жоҳиллик



Абдуқаҳҳор домла ЮНУСОВ,
Тошкент шаҳри бош имом-хатиби

қилмасин”, деганлар. Шунга кўра, рўзадор биров уришиб ҳақорат қилган тақдирда ҳам “Мен рўзадорман, мен рўзадорман”, дейиши лозим”.

Яна уламолар бундай деган: “Инсон бир нарсадан узлуксиз бир ой ўзини сақласа, ўша нарса унинг одатига айланиб, мазкур муддатдан кейин ҳам доимо ундан сақланадиган бўлиб қолади”.

Ифторлик ва саҳарликлар ҳам дабдабадан, риёдан, ҳўжакўрсиндан холи, Аллоҳ учун бўлиши керак. Бизга ҳар жиҳатдан намуна бўлган зот — пайғамбаримиз алайҳиссалом ифторликда ҳўл, янги етилган хурмо, агар у топилмаса, қуруқ хурмо билан, мабодо у ҳам бўлмаса, бир неча ҳўплам сув билан оғиз очар эдилар.

Рўзанинг жуда кўп ва турли-туман фойдалари бор. Биринчидан, рўза инсон танасини турли касалликлардан асрайди. Чунки танадаги кўп касалликлар, асосан, меъда ва ичакларда тўпнлаб қолган чиқиндилардан ҳамда ортиқча семириб кетишдан пайдо бўлади. Расулulloх соллалоху алайҳи васаллам: “Рўза

цивилизациялари институтиди ўзбек тили курслари очилди ва у Францияда ўзбек маданиятининг тарғиб этишга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, кейинги йилларда Тошкент ва Парижда таълим форумлари ўтказилди. Ўзбекистонга Франциянинг Гавр-Нормандия университети, Париж-Саклай университети ва “Parij Pantheon-Assas” университети делегациялари келди.

Маданиятларо мулоқотни ривожлантириш доирасида Самарқанд ва Лион, Бухоро ва Рузй-Мальмезон шаҳарлари, Жиззах вилоятининг Зомин тумани ва Флёрь шаҳри ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилди.

Франция Тиббиёт академиясида Абу Али ибн Сино бости ўрнатилган. Шунингдек, Рузй-Мальмезон, Тулуза, Гретц-Арменвиль шаҳарларида икки давлат халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар тимсолига айланган Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва Абу Райҳон Беруний хайкаллари ўрнатилди ва “Ўзбек боглари” барпо этилди.

Илмий ҳамкорлик ҳақида сўз борганда, теурийлар даври санъати ва тарихини ўрганиш ассоциацияси ҳамда “Авиценна-Франция” уюшмасининг Франциядаги фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Бу уюшмалар Ўзбекистон маданий ва илмий меросини ўрганиш ҳамда уни Франция жомоатчилиги орасида кенг тарғиб қилишга катта ҳисса қўшаётди.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик изчил кенгаймоқда. 2022 йил мартда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Париж марказий шифохоналари тармоғи “АР-НР” билан шошилинч тиббий ёрдам, педиатрия, гинекология, гематология ва онкология соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоллади.

2023 йил сентябрда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги делегацияси Париж шаҳрида бўлиб ўтган “French Healthcare Innovation&Business Forum”да иштирок этиб, унинг доирасида тиббиёт соҳасида фаолият юритувчи компаниялар вакиллари билан учрашувлар ўтказди ва унинг яқунлари бўйича тегишли шартномалар имзоланди.

Францияда ҳам ўзбек спортининг аънавий тури — миллий курашга қизиқиш жуда юқори. Хусусан, 2022-2023 йилларда Париж шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун кураш бўйича иккита халқаро турнир ўтказилди.

Бугун Ўзбекистон — Франция муносабатлари жадал ривожланиб, сиёсат ва иқтисодиётдан тортиб, фан, маданият ва таълимгача бўлган кенг кўламли соҳаларни қамраб олган. Шу нуқтага назардан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Францияга давлат ташрифи икки томонлама ҳамкорлик тарихидаги муҳим воқеа бўлиб, ташриф давомида илгари суриладиган янги ташаббус ва имзоландиган келишувлар икки томонлама шериклини янада юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

“Дунё” АА

НУҚТАИ НАЗАР

АДОЛАТ ВА ШАФФОФЛИК УСТУВОР ҚАДРИЯТ КОРРУПЦИЯНИ ИЛДИЗИ БИЛАН ЙЎҚОТИШНИ ТАЪЛИМДАН БОШЛАШ ЗАРУР



Кўнғиротбой ШАРИПОВ,
олий таълим, фан ва
инновациялар вазири

Бошланиши 1-бетда

Ҳозир тест синовлари махсус кузатув камералари остида ўтказилади. Аудиторияларга бегоналарнинг кириши чекланган. Ҳар бир абитуриентнинг натижаси автоматик тарзда ҳисобланади. Энг муҳими, барча учун тенг имконият яратилиб, билимдилар ўз салоҳиятини намойиш эта оладиган муҳит шакллантирилди. Бугунги ёшлар ўз билим ва меҳнати билан олий таълим муассасаларига ўқишга кириши мумкинлигига ишонаётгани бу — ислохотларнинг энг катта ютуғи, десак муболаға бўлмайди.

Таълим соҳаси рақамлашиб, имтиҳонлар шаффофлашиб, адолат мезонлари устувор аҳамият касб этди. Ортиқ таниш-билишчилик ёки йўл топиш ҳақида ўйлашга зарурат қолмади. Ўтган йили жорий этилган “аввал тест, кейин танлов” тизими эса олий таълим олиш имкониятини янада кенгайтирди. Энди абитуриентлар олдин тест топшириб, билимга кўра балл тўплайди ва кейин шу натижа асосида ўзига мос ОТМ танлайди. Бу тизим абитуриентларга кенг танлов бериш борабар адолатли таъминлашга хизмат қилмоқда. Юқори балл тўплаган ҳар бир ёш тенг имконият асосида давлат грантига эга бўлиши мумкин. Шунингдек, камроқ балл олганлар тўлов-контракт асосида таълим олиш йўлини танлайди.

Албатта, таълим тизimini янада такомиллаштиришга ҳали ҳам эҳтиёж бор. Жорий йил 5 март куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ҳам айнан шу масалалар алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз ислохот-

лар ҳал қилувчи босқичга қадам қўяётган бугунги шароитда мамлакатимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича қилинаётган ишларга баҳо бериб, келгуси устувор вазибаларни аниқ белгилаб олиш зарурлигини таъкидлади.

Коррупция — жамиятнинг ичига тушган қурт. У келажакда мева бериши керак бўлган куртакларни қуритади. Давлатимиз бу иллатни тамоман йўқотишга азму қарор қилган. Бундан буён фарзандларимизга таълим бериш баробарида коррупциянинг энг майда аломатларидан холи бўлишини таъминлашимиз керак. Бу, энг аввало, талаба ва ўқувчиларнинг имтиҳонларда кўчирмақаликларга бефарқ бўлмаслиги, бу иллатга қарши мурасизлигидан бошланади.

Хорижий тажрибага кўра, таълимда коррупцияга қарши курашиш ҳуқуқий чоралар билан бирга жамият онгини ўзгартариш ҳам боғлиқ. Имтиҳонлар аниқ қондалар асосида ўтказилиб, талабалардан академик ҳалоллик қатъий талаб қилиниши шарт. Ёшларимизда коррупцияга қарши иммунитет шакллантирсак, ҳалоллик маданиятини миллий маданиятимизга айлантирсак, ўқув жараёнида ҳар қандай алдов ёки ноқонуний йўлларга мурасизликни тарбияласак, жамиятимизда адолат ва шаффофлик устувор қадриятга айланади.

Таълим тизимида коррупцияга қарши кураш фақат жазо чоралари билан чекланиб қолмаслиги керак. Масалан, Сингапур ва Канада каби давлатларда академик ҳалолликни тарғиб қилиш мактаб ва университетлар даражасида кенг жорий этилган. Талабаларга адолатли рақобат муҳити яратилиб, билимини холис баҳолаш тизими такомиллаштирилган. Шу билан бирга, ўқувчилар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши тушуниши учун махсус дастурлар ишлаб чиқилган.

Буюк Британия ҳамда АҚШда эса талабалар ва ўқитувчилар ўртасида очик мулоқотни таъминлаш учун махсус платформалар яратилган. Бу тизимлар орқали талабалар имтиҳон жараёнида ёки баҳолашдаги адолатсизликни аноним тарзда хабар қилиши мумкин. Бундай ёндашув таълим тизimini ҳеч қандай аралашувсиз, ҳақиқий билимга асосланган ҳолда шакллантиришга ёрдам беради.

Биз ҳам ёшлар онгига коррупцияга қарши мурасизликни шакллантиришимиз, билим ва салоҳият ҳақиқий қадриятга айланиши учун таълим тизимида ислохотларни изчил давом эттиришимиз шарт. Бу йўлда нафақат давлат, балки ота-оналар, ўқитувчилар ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз масъулиятини ҳис қилиши жуда муҳим. Шундангина коррупциядан холи, адолат ва шаффофликка асосланган таълим тизimini яратишимиз мумкин.

Олий таълим тизимида рақамлаштириш жараёни кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Бу эса абитуриентлар, талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун қулайлик яратиш билан бирга таълим жараёнида шаффофликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилик ҳамда

Касбий (prof.edu.uz) ва ўрта махсус таълим (emis.edu.uz) муассасаларида ҳам маъмурий жараёнлар ахборот тизимлари орқали бошқарилмоқда. Талабаларга электрон шартномалар тақдим этиш, онлайн тўловлар ва мониторинг юритиш учун EduBilling ахборот тизими ишга туширилди. Бу тизим



унинг тармоғида 36 та ахборот тизими ишлаб чиқилган. Мазкур тизимлар ОТМ, лицей, касбий ва олий таълимдан кейинги таълимга қабул жараёнини тўлиқ рақамлаштириш имконини берди. Жумладан, my.edu.uz ва my.uzbmb.uz ахборот платформалари орқали абитуриентлар ўз ҳужжатларини онлайн топшириш имкониятига эга бўлди. Бу эса вақт ва маблағни тежаш, бюрократик тўсиқларни қисқартиришга олиб келди.

Шунингдек, таълим жараёнини самарали бошқариш мақсадида Олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизими — HEMIS жорий этилди. Бу тизим 35 турдаги статистик маълумотларни рақамлаштиришга ёрдам берди. Гуруҳ журналлари, ўзлаштириш қайдномалари, дарс ва имтиҳон жадваллари, диплом ва академик маълумотлар, талабалар ҳамда профессор-ўқитувчилар тўғрисидаги маълумотлар ягона платформада сақланади. Бундан ташқари, HEMIS такомиллаштирилиб, талабалар учун давомат ва имтиҳон натижалари бўйича апелляция бериш механизми жорий этилди.

орқали шартномалар фақат электрон шаклда олинади. Натижада тайёрлаш вақти 70 фоиз қисқарди, бюрократик жараёнлар эса 90 фоиз камайди.

Олий таълим муассасаларида билимларни назорат қилиш ва баҳолаш тизими Blind assessment усулида йўлга қўйилди. Бу усул талабаларнинг бажарган ишларини кодлаш орқали баҳолаш жараёнида шаффофлик ва холисликни таъминлайди. Диплом маълумотларини ягона база (diplom.edu.uz) орқали текшириш имконияти яратилди. 1991-2020 йилларда берилган 1,5 миллиондан ортиқ дипломнинг 84 фоизи рақамлаштирилди.

Талабалар ва ота-оналари учун онлайн тўлов тизими жорий этилди. Click, Payme ва Zoomrad орқали контракт тўлови, стипендия маълумотлари ва ижара шартномалари тўлиқ рақамлаштирилди. Ётоқхона ўринларини шаффоф ва автоматлаштирилган тарзда тақсимлаш, талабаларнинг жойлашуви бўйича электрон кузатув тизimini жорий этиш ишлари бажарилди.

Бундан ташқари, стипендия тайинлаш ва тўлаш жараёни тўлиқ рақамлаштирилиб, инсон омили аралашуви йўқ қилинди. Электрон шартномаларни верификация қилиш орқали бюрократик жараёнлар сезиларли даражада қисқарди.

Таълим тизимидаги бу каби рақамлашти-

“**Коррупциядан холи, ҳалоллик тамойилларига асосланган ўқитиш тизими эса кучли давлат, кучли иқтисодиёт ҳамда кучли жамиятни шакллантиришда асосий омиллардан бири бўлиб қолади. Бугун қабул қилинаётган қарорлар ва амалга оширилаётган ташаббуслар эса келажак тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор яратаяди.**”

риш ишлари коррупцияни камайтириш, бюрократик тўсиқларни йўқ қилиш ва таълим жараёнларини янада шаффофлаштиришга хизмат қилмоқда. Электрон ҳужжат айланиши, онлайн мониторинг ва автоматлаштирилган баҳолаш тизими орқали талабалар учун тенг имконият яратилиб, таълим тизimini халқаро стандартларга мос равишда ривожлантирилди.

Олий таълим муассасаларида талабалар ва ўқитувчилар учун қулайликларни ошириш мақсадида “Регистратор офис” лар ташкил этилди. Бу инновациядан ёндашув “Ягона дарча” тамойили асосида ишлаб, 30 турдан ортиқ хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Энди талабалар ўқув жараёни билан боғлиқ турли маъмурий масалаларни битта офис орқали осон ва тез ҳал қилиш имкониятига эга бўлмоқда.

Янги тизимнинг асосий мақсади бюрократик тўсиқларни камайтириш ва инсон омили аралашувсиз хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишдан иборат. Шу сабабли келгусида “Регистратор офис” лар

орқали автоматлаштирилган хизматлар сони босқичма-босқич кўпайтирилиши режалаштирилган. Бу эса талабалар вақтини тежаш, жараёнларни шаффофлаштириш ва таълим тизimini самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Рақамлаштириш жараёни жадал давом этаётган ҳозирги даврда бу каби ташаббуслар таълим тизimini халқаро стандартларга мослаштириш, талабалар учун эса қулай муҳит яратиш йўлидаги муҳим қадамлардан.

Олий таълим тизимида эришилган натижалар билан бирга камчиликлар ҳам йўқ эмас. Уларни бартараф этиш учун қатор ишларни бажаришни мақсад қилганмиз. Хусусан, қўшимча тўлов асосида ўқишга қабул қилинган талабаларнинг билим даражасини мунтазам таҳлил қилиш, имтиҳон натижаларини қатъий назоратга олиш уларнинг ўқув жараёнига масъулиятини оширишга хизмат қилади. Бундай ёндашув билим даражасини кўтариш билан бирга таълимдаги холисликни таъминлашга ҳам ёрдам беради. Шу билан бирга, ОТМларда раҳбар-ҳодимларнинг ротация қилиниши тизимда янги фикр ва ёндашувларни шакллантириш, бошқарув самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Профессор-ўқитувчиларни лавозимларга ишга қабул қилиш жараёнини рақамлаштириш, танловларнинг шаффоф ва очик ўтишини таъминлаш ҳар бир номзодга тенг имконият яратишга хизмат қилади. Илмий салоҳиятга эга мутахассисларнинг муносиб лавозимга эга бўлиши таълим тизimini ривожда катта аҳамиятга эга. Шунингдек, олий таълим муассасалари ўртасида коррупцияга қарши рақамлаштирилган рейтинг тизimini жорий этиш орқали қайси ОТМда шаффофлик ва адолат устувор экани аниқланади. Бу эса барча олийгоҳларни тизимдаги ислохотларни янада самарали олиб боришга ундайди.

Касбий (ижодий) имтиҳонларни тўлиқ очик ва шаффоф ўтказиш, барча фуқароларга уни онлайн кузатиш имкониятини бериш муҳим аҳамиятга эга. Бу талабаларга тенг шароит тақдим этиш ва ҳар бир иштирокчининг билими муносиб баҳолалишини таъминлаш имконини беради. Шу билан бирга, ОТМ раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчиларнинг вакант лавозимларга ҳужжат топшириш жараёнини рақамлаштириш адолатли танлов тизimini шакллантиришни таъминлайди.

Талабалар ва педагог ходимларнинг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини ошириш, коррупцияга нисбатан тоқатсизликни шакллантиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишда кенг жамоатчилик назоратини кучайтириш лозим. Бу йўналишда мунтазам тадбирлар ташкил этиш, маърифий лойиҳаларни амалга ошириш, коррупцияга қарши тарғибот ишларини кучайтириш таълим тизiminiнинг умумий маданиятини янада юксалтиришга хизмат қилади. Шунингдек, талабаларнинг ота-оналари, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида коррупцияга қарши курашиш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида факультетларда “Очиқ эшиклар кун” тадбирларини ўтказиш тизимдаги ишонччи мустаҳкамлайди.

Олий таълим тизими жамиятнинг таянчи ва тараққиётнинг муҳим бўғинидир. Ушбу тизимда адолат ва шаффофлик таъминланса, илм-фан ва таълим янада ривожланади, мамлакат тараққиётига асос бўлади. Коррупциядан холи, ҳалоллик тамойилларига асосланган ўқитиш тизими эса кучли давлат, кучли иқтисодиёт ҳамда кучли жамиятни шакллантиришда асосий омиллардан бири бўлиб қолади. Бугун қабул қилинаётган қарорлар ва амалга оширилаётган ташаббуслар эса келажак тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор яратаяди.

“РАҚАМЛИ СУД” КОНЦЕПЦИЯСИ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ҚОҒОЗ ШАКЛИДАН БУТУНЛАЙ ВОЗ КЕЧИЛАДИ

Долзарб мавзу

Суд-ҳуқуқ тизими ҳар қандай давлатнинг барқарорлиги, адолат ва қонуни устуворлигини таъминловчи асосий устунлардан бири. Одил судлов таъминлашни фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий кафолати бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, иқтисодий ривожланишга катта туртки беради ва давлат идораларидаги нисбатан ишонччи мустаҳкамлайди. Энг асосийси, ривожланган суд тизими фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва низоларни адолатли ҳал этишга ёрдам беради.

Ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг иши адолат мезонлари асосида қўриб чиқишли, албатта, мустақил ва одил судларга ишонччи оширади. Мустаҳкам ҳуқуқий меъёрлар қулай инвестиция муҳитини яратишда муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий низоларни ҳал этиш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва шартнома мажбуриятларини бажаришнинг ишончли механизмлари эса иқтисодий ўсишга ҳисса қўшадиган жозибдор бизнес муҳитини ҳосил қилади.

Суд тизими жиноятчилик, коррупция ва мансабни суиистеъмол қилиш каби иллатларга қарши курашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шаффоф ва мустақил судлар қонуналарга қатъий риоя қилиш ва жазо муқаррарлигини, ҳуқуқбозарликлар даражасини пайсатириш ҳамда жамоат ҳавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунингдек, глобаллашув шароитида бу тизимнинг халқаро ҳуқуқий меъёрларга



рени ҳал этиб, адолатни қарор топтиришга хизмат қилапти. Бу жараёндаги энг муҳим режаларимиздан бири — суд фаолиятини рақамлаштиришни тезлаштириш. Бундан кўзланган асосий мақсад эса фуқаролар ҳамда тадбиркорларга янада енгиллик ва қулайлик яратишдан иборат.

Бугун судга ариза бериш, суд ишининг ҳолатини кузатиш, суд ҳужжатларидан электрон нусха олиш каби 14 та хизмат рақамлашган. Олий суднинг my.sud.uz портали, сўнгги саккиз йилда судларга доир 70 га яқин қонун, фармон ва қарор қабул қилинди. Уларнинг моддий-техник базаси яхшиланди. Булар аҳоли ва тадбиркорларнинг масалала-

судьяларга инсон омилсиз тақсимланган. 2024 йил 1 ноябрдан бошлаб судларнинг ички ҳужжатлар айланиши тўлиқ электрон шаклга ўтказилди. Натижада қисқа даврда давлат бюджетидан 638 миллион сўмлик харажатлар иқтисод қилинди.

Кейинги йилларда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти ошиб бормоқда. Бунинг бериғина ўтган йили судларда 3 миллиондан ортиқ масала қўриб чиқилганидан ҳам кўриш мумкин. Бу ўз-ўзидан судларда юкломалар ортишига олиб келади. Кўриниб турибдики, бунинг учун рақамлаштиришни изчил давом эттириш, судлар фаолияти самарадорлигини ошириш зарур.

Эндиликда суд ишларини юритишда қоғоз шаклидан бутунлай воз кечиш мақсадида “Рақамли суд” концепцияси амалга оширилади. Бу концепция судга келган фуқарога муайян даъво тури бўйича суд муҳокамасининг таҳминий натижаси ва кетадиган харажатларни олдиндан аниқлаб бериш, ҳуқуқий ёрдам бўйича виртуал маслаҳатчини яратиш, тайинланган жарималарни онлайн кузатиш ва электрон шаклда тўлаш каби қулай имкониятлар яратаяди. Сунъий интеллектдан фойдаланиб, бу каби қўйлаб янгилликларни жорий этиш мумкин.

Бунинг учун Олий суд ҳузурида Ахборот технологиялари маркази ташкил этилади. У судларга зарур бўлган ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар яратиш, сунъий интеллектни жорий этиш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан шугулланади. Тадбиркорлик субъектлари билан судлар ўртасида электрон маълумот алмашиш йўлга қўйилди. Натижада ишларни қўриб чиқиш тезкорлиги ошади.

Яна бир муҳим жиҳат. Бугунги кунда иқтисодий судлар бир таркибли бўлиб, туманлараро судларга жойлашган. Мана шу туманлараро судларни ҳар бир вилоят марказида ташкил этиш масаласи таклиф этиляпти. Бундан кўзланган мақсад судлар фаолиятини бир тизимга олиб келиш орқали бошқарувни енгиллаштириш, ягона суд амалиётини таъминлаш, судьялар ўртасида ихтисослашувни амалга оширишга қаратилган.

— Вазирилик зиммасига соҳага оид қонуналарни халқаро стандартларга мослаштириш, судни янада ҳалқчил қилиш, тизимни молиялаштириш бўйича қонуналар зарурати қайд этилди, — дейди адлия вазири Акбар Тошқулов. — Хусусан, қонуничиликни такомиллаштириш борасида қонуналардаги турлича талқин қилиш, фуқаролар ўртасида турли низоларни келтириб чиқариш эҳтимоли бўлган нормаларни камайтириш бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати билан ҳамкорликда қатор ишларни режалаштириляпти. Бундан ташқари, ҳар йили судларда 1 миллионга яқин низо сиз иш ҳам қўриляпти. Масалан, ўтган йили фуқаролик судларида коммунал қарздорлик бўйича 200

мингга яқин шундай иш қўрилган. Аслида, бунинг нотариусдан ҳам ҳал қилса бўлади. Шу нуктадан назардан, низо сиз ишларни қўриб чиқишни тегишли идораларга ўтказиш таклифи билдирилди.

Шунга асосан, тадбиркорлик, инвестиция, инфратузилма, ер, солиқ, кредит, меҳнат муносабатлари каби энг кўп учраётган масалаларни таҳлил қилиб, ҳар ойда ҳуқуқматга, ҳар чоракда парламентга таклиф кириштириб бориш муҳимлиги таъкидланди.

Низоларни муқобил ҳал этиш, яъни медиацияга ўтказиладиган ишларни ҳам хатловдан ўтказиш ва таклиф тайёрлаш белгиланди. Албатта, низолашувчи томонлардан кимдир ютқазади ва кимдир ютади. Шу нуктадан назардан қараганда, бу таъриба жуда муҳим. Ривожланган давлатларда медиация тизимида икки томоннинг келишуви асосида битим тасдиқланади. Энг муҳими, тадбиркор ва фуқаро ўртасида низо бўлмайди ва бошқа низо-лар келиб чиқишининг олдини олади.

Адлия вазирилик тизимида одил судловни амалга оширишга бевосита ёрдам кўрсатадиган адвокатура, суд экспертизаси тизимлари мавжуд. Вазирилик ҳам, ўз навбатида, мазкур тизимларни рақамлаштиришга алоҳида эътибор қармоқда. Бунинг учун тегишли ахборот платформалари яратилган. Энди улар Олий суд ахборот тизимлари билан интеграция қилинади. Масалан, суд экспертизаси тайинланадиган бўлса, бутун жараён электрон тарзда амалга оширилади. Худди шундай, адвокатларнинг судда иштирок этиши билан боғлиқ жараёнлар ҳам электрон шаклга ўтказилади. Бу тизим тегишли вазирилик ва идоралар билан ҳамкорликда қисқа муҳдатларда ишга туширилади.

Бир сўз билан айтганда, суд-ҳуқуқ тизимининг барқарорлиги мамлакатдаги тараққиёт кафолати. Шу билан бирга, изчил ривожланишининг асоси ҳамдир. Адолатли қонуналар, мустақил судлар ва мукаммал ҳуқуқий механизмлар ҳар бир фуқароннинг қонуний манфаатлари изчил ҳимоя қилинади-ган жамиятни шакллантиради.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Яшил макон

ҲАР БИР ДАРАХТНИНГ БОҒБОНИ БОР



ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА



Янги қонун нормалари табиат мусаффолигини таъминлашга қандай таъсир қилади?

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар йили 200 миллион туپ дарахт ва бута кўчатини экиш том маънода яхши анъанага айланди. Атроф-муҳитга антропоген таъсир этувчи sanoat корхоналари ва транспорт воситалари устидан самарали давлат ва жамоатчилик назорати ўрнатилди. Электромобиль саноатини ривожлантиришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда.

“Яшил” энергетикани ривожлантириш борасидаги йирик инвестиция лойиҳалари ҳисобига катта натижаларга эришилмоқда. Жорий йил якуни бўйича мамлакатимизнинг жами электр энергияси таркибида экологик тоза энергия салмоғини 30 фоизга етказиш мўлжалланган.

Муаммо ва камчиликлар

Бирор соҳа ривожини, аввало, унинг ҳуқуқий асосини қай даражада мукаммал эканига узвий боғлиқ. Шу маънода, бундан чорак аср илгари қабул қилинган “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонун нормалари бүгунги кун талабларига жавоб бермай қўйди. Жумладан, ундаги бўшлиқлар ва ҳаволалар, қонуности ҳужжатларнинг тарқоқлиги ҳамда экологик экспертиза халқаро нормаларига мос келмаслиги экологик экспертизадан ўтказиш жараёни самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилиб келаётганлиги.

Амалдаги қонунда давлат дастурлари, концепциялари лойиҳалари ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатларини давлат экологик экспертизадан ўтказиш тартибини белгиланмагани сабабли мазкур стратегик ҳужжатлар амалда экологик экспертизадан ўтказилмаган. Бу, ўз навбатида, яқин, ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган стратегик ҳужжатларда кўрсатилган тадбирларни амалга оширишда қатор ижтимоий-иқтисодий муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлган.

Ушбу қонун билан атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш материаллари ва экологик нормативлар лойиҳа-

Амалдаги қонунда давлат дастурлари, концепциялари, шаҳарсозлик ҳужжатлари каби стратегик ҳужжатлар экспертиза объектлари ҳисобланса-да, бундай лойиҳаларни экологик экспертизадан ўтказишнинг ҳуқуқий механизмлари мавжуд бўлмаган. Янги қонунга мувофиқ, стратегик экологик баҳолаш тизими жорий этилиши мазкур ҳужжатларда назарда тутилган фаолият оқибатларини олдиндан аниқлаш, баҳолаш ва тегишли чоралар қўришга замин яратди.

“Электрон ҳукумат” принципларига кўра, атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш бўйича ягона автоматлаштирилган ахборот тизимининг ҳуқуқий асослари белгиланган бўлиши мазкур ҳужжатларда назарда тутилган фаолият оқибатларини олдиндан аниқлаш, баҳолаш ва тегишли чоралар қўришга замин яратди.

Шу билан бир қаторда, экспертизани ўтказиш билан боғлиқ муаммолари ва баҳсли масалаларни ҳал этиш учун доимий фаолият юритувчи Экспертлар кенгашини ташкил қилиш нормаси киритилмоқда. Мазкур норма коллегиял келишув асосида қарор қабул қилиш имкониятини яратди. Соҳанинг ҳолисилик ва асосланганлик принципларини таъминлайди.

Қонунда буюртмачи, лойиҳачи ва эколог-экспертнинг ваколатларига аниқлик киритилиб, масъулияти кучайтирилмоқда. Лойиҳачиларга нисбатан малака сертификати жорий этилиши ва ташкилотлар рейтингини юритишнинг самарадорлигини оширишга замин яратди.

Давлат экологик экспертизаси органлари томонидан 2024 йилда қарийб 32 мингта экологик экспертиза хулосаси берилган бўлса, шундан 673 та лойиҳа экологик талабларга жавоб бермагани сабабли рад этилган. Мана шу жиҳатдан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, янги қонунда лойиҳачиларга нисбатан

Бошланиши 1-бетда

Сув омбори атрофида ўзлаштирилмаган 1,6 минг гектар адирлик бор. Ундан шу кунга қадар мақсадли фойдаланмай келинган. Илгари барпо этилган дам олиш масканлари маънан эскирган, қаровсиз, ташландик ҳолатга келиб қолганди. Боғ барпо этиш истагидагилар сув етишмаслигидан азият чеккан...

Президентимиз ўтган йили Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Кува туманидаги сув омбори атрофидаги 250 гектар майдонда экотуризм мажмуаси, 100 дан зиёд дам олиш, савдо-сервис ва кўнгилочар масканлар, замонавий меҳмонхона барпо этиш борасида ишга солинмаган имконият борлиги ва ундан унумли фойдаланиш юзасидан керакли қўрсатмалар берганди.

Бу ерда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида улкан қурилиш, бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари бошланиб кетди. Совуқ этни жунжиқ-терса-да, адирликда кўчат экиш ишлари авжида. Кўчат ортиб бораётган машиналар қарвони, боғбонлар ҳаракати бир дам бўлса-да, тўхтагани йўқ. Лойиҳа доирасида бу ерда 300 минг туپдан ортиқ манзарали кўчат ўтказиш, боғ барпо этиш анъанаси кучоқ ёймоқда. Экилган дарахтлар уний-ўсиши учун ариқ очилиб, йўл бўйи янгича ҳаёт, кўрк, ободликка юз тутмоқда. Кенг пайкалларга гўё яшил пояндоз тўшалгандек кўрк, салобат бахш этиб турибди.

— Қишлоғимизга янги ҳаёт, кўтаринчилик, ташаббус кириб келди, — дейди “Толмозор” маҳалла фуқаролар йиғинида яшаётган Бахтиёр Узоқов. — Адирликда боғ барпо этганимга 14 йилдан ошди. Аммо сув таъминотидаги тақчиллик сабаб кўп қийинчиликка дуч келаётгандик. Энди ҳаммаси ортда қолди. Дала-дашларни ўзлаштириш борасида бошланган ташаббус доирасида янги қудуқлар қазниш, йўл ва йўлақлар ётқизиш, мавжудларини таъмирлаш ишлари бажарилляпти. Ташаббусдан руҳланиб, 3,5 гектар ерда анор, беҳи, гилос боғлари яратишга киришдик, 15 минг туپдан ортиқ олма, гилос, гулнинг сархил кўчатлари етказиб бериш борасида ишляймиз.

Сув омбори ҳудудида иш бошлаган Каркидон дам олиш масканида йўлга қўйилиши мўлжалланган лойиҳалар яқин йилларда ҳудуд манзарасини том маънода ўзгартириш юборади. 24 гектар майдонда “Сокин ҳудуд” дам олиш масканини бунёд этишга киришилди. Шу мақсадда ҳудудда ер ва иқлим шароитига мос ноёб манзарали дарахт кўчатларини ўтказиш ишлари жадал бажарилмоқда. “Яшил белбоғ”ларини сув билан мунтазам таъминлаш мақсадида 17 та сув иншооти қазиб, экин майдонларини томчилатиб ва ёмғирлатиб сугориш тизимига бирлаштириляпти.

— Бу ерда аҳоли дам олиши учун мўлжалланган янги масканлар қурилади, — дейди Кува тумани ҳокими Ҳалимжон Умаров. — Замонавий меҳмонхоналар бунёд этилади, хориж тажрибаси асосида гулзорлар яратилади. Ҳудудда ўзига хос ландшафт барпо этиш мақсадида иқлим шароитимизга мос декоратив дарахт ва буталар жойлаштирилмоқда, самарасиз боғлар ўрнида интенсив боғлар барпо қилинади.

Ерга асосан ёнғоқ, бодом каби мевали дарахтлар экилади. Уларни сугоришда “Анор” насос станцияси орқали томчилатиб сугориш йўлга қўйилади. Сунъий сув ҳавзаси ҳам қурилади. Ҳудудга киришда йўлнинг икки томони кўк-лампзорлаштирилиб, пиёдалар йўлакларига ётқизилади. Лавандазорлар ташкил этилиб, нафақат фарғоналиклар, балки хорижликлар учун ҳам чин маънодаги дам олиш ва туризм масканларига айлантирилади. Экилган ҳар бир дарахтнинг ўз номи, боғбони бор. Бу нави-ниҳолларни баравж ривожлантириш, сувсизлик ва бошқа таъсирлардан ҳимоялаш имконини беради.

Аваллари бу ернинг бир қисмига насос ёрдамида сув олиб чиқилган. Сув иншоотларининг қуввати мавжуд экин майдонларини оби ҳаёт билан таъминлаш имконини бермаган. Шу боис, иш самарадорлигини ошириш мақсадида “Толмозор”, “Шарқий ариқ” насос станцияларини таъмирлаш, янги қувватларини ишга солиш ҳисобига 2000

Каркидон сув омбори ҳудудида меҳмонхона, мотель, дам олиш масканлари, кўнгилочар ва сув спорт объектлари, ресторан, пляж зонасини қамраб олган замонавий лойиҳалар амалга оширилади. Шу мақсадда йўл ётқизиш ва йўл кўрсаткичлари ўрнатиш, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолиятини ташкил этиш борасида тизимли ишлар қилинмоқда.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар шаҳар ва қишлоқларга файз-барака, мусаффолик олиб кирмоқда. Одамлар яратувчанлик ишлари билан андормон. Ҳудудларда лола, каштан, япон сафораси сингари манзарали дарахт кўчатларини маҳаллий иқлим шароитига мослаштириш, нинабаргли дарахтлар ва манзарали гул кўчатлари етиштириш, турларни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилляпти. Кўчат экиш мавсумида нархлар барқарорлигини таъминлаш учун юздан ортиқ ярмарка ва савдо шохобчалари ташкил этилиб, экиладиган дарахт нав-



Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.

— Ингирма сотих ерда кўчат етиштирамыз, — дейди томорқачи. — Ўтган мавсумда 30 мингдан ортиқ гул ва мевали дарахт кўчати етказиб бердик. Айни кунда сархил арча, наъматак кўчатлари парваришляймиз. Лола дарахти ва лимуза манзарали гул кўчатлари етиштиришни йўлга қўйганмыз. Бу бир мавсумда 200 миллион сўмдан зиёд даромад олиш имконини беради.

гектарга яқин экин майдонини сув билан таъминлаш чораси кўрилади.

— Ўтган асрнинг 70-йилларида бу ҳудудни ўзлаштириш борасида сай-ҳаракатлар бошланган. Аммо сув омбори ўзанига яқин ҳудудда одатий мевали кўчатлар экиш билан кифояланган, — дейди кекса боғбон Нурмуҳаммад Темиров. — Тепаликларга сув олиб чиқиб, боғ, дам олиш масканлари, сайилгоҳлар барпо этиш имкони топилмаган. Бугун меҳнат қиламан деганга барча шароит ва имкониятлар мўжайё. Боғдорчилик, ободонлаштириш учун муҳим бўлган сув таъминоти яхшиланди. Айни кунда 3,5 гектар ерда интенсив усулда боғ яратишга киришдик. Бу оддий мевали боғларга нисбатан икки-уч ҳисса ортиқ ҳосил беради.

ларининг манзилли дастури шакллантирилди. Ҳар бир кўчатни экиш ва парваришлаш бўйича ўзига хос тавсиялар бериш йўлга қўйилди.

— “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида бошланган кўкаламзорлаштириш ишларига баҳоли қудрат ҳисса қўшишга ҳаракат қиляпмиз, — дейди Кува туманидаги кўчатчиликка

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



“Кейинги уч йилда Фарғона вилоятида 45 миллион туپ кўчат ва бута экилиб, яшиллик даражаси 38 фоиздан ошди. Яқин истиқболда бу боғлар ҳудудида аҳоли учун ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган яшил табиат масканлари бунёд этиш мақсад қилинган. Бундан ташқари, 17 та чиқинди полигонига атрофида терак ва тол кўчатлари экилиб, махсус ихтозазорлар барпо этишга алоҳида эътибор берилляпти.

ларини ишлаб чиқувчининг фаолияти тартибга солинмагани ҳамда лойиҳачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмагани тақдим этилаётган лойиҳа ҳужжатларининг сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бугун 100 мингдан ортиқ ҳўжалик юритувчи субъектнинг барчаси ҳам экологик экспертиза хулосасига эга ҳолатда фаолият юритяпти деб бўлмайди. Қонунчиликда ушбу ҳуқуқбузарликка маъмурий жавобгарлик белгиланган бўлса-да, бу борадаги ҳуқуқбузарликлар давом этмоқда.

Шунингдек, амалдаги қонун билан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг атроф-муҳитга таъсир даражаси бўйича тоифа қўлиниги ва улар ўртасидаги фарқлашнинг аниқ мезонлари мавжуд эмаслиги нормани кўлаш жараёнида тадбиркорлик субъектларининг эътирозига сабаб бўлмоқда.

Қолаверса, соҳанинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашда экологик экспертиза йўналишини рақамлаштиришнинг ҳуқуқий асослари ҳамда жамоатчилик экологик экспертизаси институти мавжуд эмаслиги ҳам соҳани демократик тамойиллар асосида юритиш имконини бермайтти. Ўз навбатида, бу каби муаммо ва камчиликлар атмосфера ҳавоси ифлосланишига сабаб бўлмоқда.

Ҳуқуқий асос ва галдаги устувор вазифалар

Шу йил 24 февралда қабул қилинган “Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисида”ги қонун бугунги глобаллашув жараёнида атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида муҳим ҳуқуқий ҳужжатдир.

Янгиланган қонун билан экологик экспертизадан ўтказишнинг халқаро скрининг ва скоупинг механизмлари жорий этилиши орқали атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш бўйича объектлар тоифалари 4 тадан 3 тага туширилмоқда. Бу, ўз навбатида, хизмат кўрсатиш, ҳунармандчилик ва савдо хизматларига йўналтирилган минглаб субъектлар фаолиятига бюрократик тўсиқлар қўйилишининг олдини олади. Вақт ва молиявий харажатларни қисқартиришга олиб келади.

малака сертификатини жорий этиш ва лойиҳа ташкилотларининг рейтингини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари белгилангани, ўз навбатида, экологик талабларга жавоб бермайдиган лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашнинг олдини олади.

Қонун янги таҳрирдаги Конституциямизда белгиланган фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга ҳамда унинг ҳолати тўғрисида ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқларини таъминлаш, шаҳарсозлик ҳужжатлари лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, бир сўз билан айтганда, экологик барқарорлиқни таъминлашда дастуриламал бўлади.

Давлат дастурида глобаллашув жараёнида “яшил” технологияларни жорий этиш, суғни тежаш, кўк-лампзор ҳудудларини кескин кўпайтириш, чиқиндилар муаммосини ҳал қилиш каби масалалар экологик экспертиза фаолиятининг устувор йўналишини сифатида белгиланган бўлибди. Кейинги босқичда экологик экспертиза фаолиятининг қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш вазифалари белгиланган давлат экспертиза органларига катта мажбурият юкляйди. Хусусан, Давлат экологик экспертизаси марказига мамлакатимизда фаолият юритаётган барча sanoat ва ишлаб чиқариш корхоналари қаромани тўлиқ таъминлаш ҳамда давлат экологик экспертизаси хулосалари ижросини таъминлаш борасида самарали мониторинг юритиш вазифаси юкланган. Ушбу мақсадларга эришиш экологик барқарорлиқни таъминлаш, Париж келишувига асосан олинган мажбуриятларни тўлиқ бажариш, давлатимизнинг халқаро майдондаги имижини оширишга хизмат қилади.

Янгиланган қонун умумбаъшарий экологик хавфлар қучайиб бораётган бир вақтда қабул қилинди. Бу мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик барқарорлиқни таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини оширишга замин яратди. Бошқа томондан эса марказимизнинг ҳар бир ходими зиммасига катта масъулият юкляйди.

Ғайрат МУҲАМЕДОВ,
“Давлат экологик экспертизаси маркази”
давлат муассасаси бош директори



Ҳабиб СИДДИҚ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Уйғониш фаслининг дилларга ажиб илиқлик ва кўтаринкилик бахш этаётган шу кунларида юртимизда табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховати тимсоли — Наврўз умумхалқ байрамини нишонлашга қизгин ҳозирлик кўрилмақда. Гарчи бу айём ҳар йили такрорланса-да, каттаю кичик уни мўъжизани кутгандек орзиқиб қаршилайдди. Чунки ёшимиз ва касб-коримиздан қатъи назар, барчамиз бахорни, баҳорий неъматларни, кўклам нафасини соғиниб яшаймиз.

эттиради. Бундай миллий урф-одат ва маросимларда ўзбекларнинг миллий руҳияти, маънавияти ва феъл-атворининг ўзига хос, олижаноб жиҳатлари ҳам намоён бўлади.

— Наврўзнинг тарихи ва нишонлиниш усулларига назар солсак, ундаги оддий халққа тегишли одатлар эътиборни тортади. Қадимда байрам кунини одамлар ҳаётингиз ширин бўлсин деб бир-бирига ширинлик улашган. Гўзал бўлинг деган маънода гуллар тақдим қилган, бошланаятган йилда сув кўп бўлиб, мўл ҳосил уннишни тилаб, бир-бирига сув сепган. Аждодларимиз асрлар бўйи Наврўз арафаси дошқозонларда сума-

Халқимизнинг “Ҳамал кирди — амал кирди” деган мақоли жуда машҳурлиги бежиз эмас. Наврўз келиши билан баҳор нафасидан борлиқ танасига қайта жон қиради. Ёши улуғлар юртда тинчлик-осойишталик бўлсин, деҳқончилигимиз унсин деб дуога қўл очади. Қорли-қировли кунларни даласини соғиниб ўтказган ўзбек деҳқони баракали ва мўл ҳосил олиш умиди билан Наврўз палласида ерга уруғ қадайдди, кўчат ўтказди, атроф-муҳитни кўркамлаштиришга интилади.

Бободехқоннинг илк бор далага қўш чиқариши ҳам Наврўздан бошланган. Далага қўш чиқаришдан олдин у билан боғлиқ тур-

ва меҳнат fronti фахрийларини ҳар томонлама эъзозлаш, Меҳрибонлик, Саховат ва Муруват уйларида яшайтган шахслар, ижтимоий дафтарларга киритилган ва кўмакка муҳтожлар ҳолидан хабар олиш учун уларга байрам дастурхони ёзилади ҳамда турли хайрия тadbirlari ўтказилади.

Шаҳар ва қишлоқларимизда наврўзодди хайрия ҳашарлари, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш жараёнида ёшларда она заминга, табиатга меҳр туйғуларини камол топтириш, экологик маданиятни шакллантириш мақсадлари ҳам назарда тутилади. Наврўз уду-



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



лак қайнатиб, келаятган янги йил баракали, файзли ва серҳосил бўлишига умид боғланган, — дейди тарихчи олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Дилшодхон Қурбонова. — Халқимизда сумалак нондай қадрланади. Уни тайёрлашда алоҳида тартиб-қоидаларга, маънавий мезонларга амал қилинади. Ҳатто сумалак пиширилган қозон ювилган сув ҳам дуч келган жойга эмас, мевали дарахт тагига тўкилади.

Неча минг йиллик тарихга эга бу байрам инсон ички олами ва табиат уйғунлиги рамзидир. Бу даврда нафақат табиатда, балки инсонларнинг кўнглида ҳам янги умид ва орзулар куртак ёзади. Диллар покланади, ўзаро меҳр-оқибат туйғулари намоён қилинади.

ли урф-одат, маросимлар ўтказилган. Қурбонликлар қилиниб, қўшга қўшиладиган ҳўкизлар шохин ёлланган. Бу “шох мойлар” маросимидан мақсад йилнинг кўт-баракали келишига, тўқин-сочинлик бўлишига умид қилинган.

Президентимизнинг “2025 йилги Наврўз умумхалқ байрамага тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида” қўй қарорига мувофиқ, бу йилги байрам мамлакатимизда “Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!” деган бош ғо асосида умумхалқ сайиллари шаклида юқори савияда кенг нишонланади. Муқаддас Рамазон ойида нишонланишини инobatта олиб, кекса авлод вакилларини, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари

мига, наврўзий урф-одатга айланиб кетган бу каби тadbirlar ёш авлод қалбиде эзгуликка, яратувчиликка ошнолик ҳиссини ривожлантиради. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида белгиланган тadbirlarни амалга ошириш, байрам арафасида барча ҳудудларда, кўча, маҳалла, туман ва шаҳарларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш акцияларини, умумхалқ ҳашарларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилади. Байрам тadbirlarни баҳонасида халқимизнинг ҳам-жиҳатлик, меҳр-оқибат каби бебаҳо ҳислатлари янада сайқал топиб бормоқда.

Табиат уйғонаётган шу кунларда она замин бағридан сизиб чиқаятган зилол сув, уйғонаётган боғлар, ризқ-рўзимиз унаётган

яна қайтиб ўз ўрнига келди, Балиқ (хўт) думидан қўзи (ҳамал) буржига кўчди. Уйқута қирган дарахтлар яна яшил тўн кийди, ол, сариқ, кўк, қизил рангли ҳарир ёпинчлар билан безанди”.

Байрамларнинг энг қадимийси, гўзали ва улугворини бўлмиш баҳор ва янгилиниш айёми — Наврўз асрлар оша сайқалланиб, янгича мазмун-моҳият касб этиб келади. Миллий байрамлар ҳар бир халқнинг гўрури ва ифтихоридир. Биз учун ҳам халқимизнинг Наврўз каби миллий қадриятлари азиз ва табарруқдир. Лекин шўролар даврида коммунистик мафкура тарафдорлари Наврўзга диний тadbir, эскилик сарқити деб қарашгача борди. Уни халқ турмушидан, хотирасидан ўчириб ташлашга, бошқа тadbirlar билан алмаштиришга уриниб кўрди.

Мустақиллик халқимизга ўтмишда топталган урф-одат, анъаналаримиз, қадриятларимиз қатори Наврўзини ҳам қайтариб берди. Мустаҳкам илдишларга эга бўлгани учун ҳам Наврўз удумлари, анъаналари, наврўзий урф-одатлар ҳамон давом этиб, сайқалланиб, тақомиллашиб келмоқда. У қадим замонлардан буюн бизгача етиб келган муҳташам қадриятларимиздан бири, том маънодаги умумхалқ байрамидир.

Ўзбеклар ва Марказий Осиёдаги бошқа халқларнинг тарихий синовидад ўтган байрам ҳамда маросимлар кишиларнинг ўзаро муносабатидеги фазилатларни, чинакам халқчил, умуминсоний қадриятларни акс



Одамларнинг гала-говуридан сўнг гўмбурлаган кулги овози қулоққа чалинди. Аҳмад бобо кўзларини очди. Сўнг йўловчилардан бирининг “ҳей” деган овози эшитилди-ю, атрофга сокинлик чўмди. Ҳатто оёқ товушлари ҳам тинди. Кўп эҳтимол, кимдир бу уйда кекса одам яшайди, уялмайсанларми, жим, дея дакки берди. Бизда одат шунақа, кекса, бетоб инсонлар яшайдиган ҳовли ёнидан оҳиста ўтилади. Ётоққа михланган Аҳмад бобо бошини кўтариб, деразадан кўчага қаради. Энди ёришаётган тонг ғира-ширасида бир тўда одамнинг қишлоқ пойидаги адирликка кетаётганини илгиди. Уларнинг қўлидаги дошқозон ва ўчоқни кўриб, бугун қишлоқда дарвешона эканини англади. “Бирпасда кўклам ҳам келиб қолибди”, деди қайта жойига ётар экан. Уйқуси учиб, хаёли ўша олис болалик чоғларига кетди...

Аҳмадхон югуриб онасининг олдида келди ва адирликда тўпланаётган одамларни кўрсатиб, “Онажон, у ерда нима бўляпти?” деди. — Ҳа, дарвешона бўляпти, болам, — деди Аҳмадхоннинг онаси.

— Дарвешона, нима у? — Дарвешона халқимизнинг минг йиллардан бери ўтказиб келинадиган ўзига хос анъанаси. Унда эл совуқ қишдан омон чиққанига шукрона келтириб, бир-бирини

баҳор билан қутлайди. Бутун қишлоқ аҳли бир жойда йиғилиб, топан-тутганини дастурхонга қўяди. Маҳалла нурунийлари юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, энг асосийси, йил яхши келиши, экин-тикин мўл бўлиб, қўй-қўзилар кўпайишини сўраб дуо қилади, — дея тушунтирди онаси.

Сўнг уйга кириб, тоқчадаги супрани олди. Уни оғач, ҳеч вақо қолмаганини кўриб, кўзлари намланди. Аҳмадхон бўш супрага тикилиб турган онаси кўлидан тортиб, кетдикми, онажон, кетдикми, деб қистарди. Шу пайт ҳовлидан кимнингдир эгачи, дея қақиргани эшитилди.

Эшикни очишса, қўшни хола иккита дастурхонга ўралган товоқ кўтариб чиқибди. “Эгачи, кўпроқ кўк сомса ёпиб қўйган эканман, иккита дастурхон қилиб чиқавердим. Бирини сизга, бирини менга, тезроқ юринг, кеч қоламан”, деди қўшни аёл. Она кўз ёшларини артиб, қўшини сизга раҳмат айтиб йўлга отланди. Ҳали адирга етиб боришмасидан ортига қайтаётган одамлар билан юзма-юз келди. Она улардан нима бўлганини сўради. Эй, сўраманг, синглим, колхоз раиси билан “участкавой” келиб, ҳаммамни тарқатиб юборди. Бундай йилчиларни ўтказиш мумкин эмас экан, юқоридан рухсат бермабди. Бу эскилик сарқитини оммалаштиришга уринганлар жазоланади, дейишибди.

Улар ҳам хомуш тортиб, уйга қайтди. Қўшни хола “Ҳа еманг, эгачи, юринг бизникига, кўк сомсаларни еб, болалигимиздаги дарвешоналарни эслаб, гурунглашиб ўтираемиз”, деди. Уларнинг уйига киришганида қўшининг шифтга тикилиб ётган хаста онаси менга ҳам олиб келдингми, дея бошини кўтарди. Қўшинимиз айб иш қилганди ер чизиб, йўқ, ойи, дарвешона бўлмас экан, деди.

Кампир бир ютиниби, тескари қараб ётди. Она қўшчилар билан кечгача сўхбатлашди. Бола уларни тинглаб, онанинг тиззасига бош қўйиб ухлаб қолди. Эртаси кунни саҳарда қўшниникидан келган йиғи овозидан уйқуси учди...

Аҳмад бобонинг ўғли доим ишга кетишдан олдин отасидан хабар олгани қирарди. Бу сафар кичкина қизчасини ҳам кўтариб кирди. “Мен ишга кетаяман, ота, дуо беринг”, деди қизчасини бобосининг ёнига қўйаркан.

Аҳмад бобо набирасини эркалаб, пешонасидан ўпди ва ўғлига:

— Ишга кетаясанми, қишлоқда бугун дарвешона эмасми? — дея сўради.

— Махлос бор эди. Ишга бормасам бўлмайди. Хавотир олманг, келинингиз билан набиранингизга тайинладим. Дарвешонага менинг ўрнимдан бориб, эл хизматига бўлади.

— Элдан ажралиб бўладими, ўғлим? Айникса, дарвешона, Наврўзга қатнашмасанг, кўни-қўшни Аҳмад бобонинг ўғли одамгарчиликдан чиқибди, демайдими? Топиш-тутишнинг яхши, шукр. Дарвешонага бориб, маҳалла раиси билан учраш, қишдан қийинчилик билан чиққан бирор оиллага ёрдам қўлини чўз. Минг йилги одатимиз дарвешона бир жойда йиғилиб, байрам-танганга қилиш учун ўтказилмайди. Шукрона айтиб, кенгашиб, маҳалладаги оғир турмуш кечираётган кўни-қўшнинг хайр-саховат, ёрдам қилишга келишиб олиш учун бўлади.

— Тўғри айтасиз, ота, ишдан эрталаб келиб, мен ҳам маҳалладоларга қўшиламан. Кўчага шошиб кетаётган ўғлига Аҳмад бобо “Бир илтимос, шу дарвешонадан бир товоқ менга ҳам олиб кел”, деди.

— Ҳўп, ҳозир набиранингизга тайинлаб қўяман, — дея хайрлашди ўғил. Катталар сўзини бўлмай эшитган қизалоқ:

— Бобо, дарвешона қанақа таом, ширинми? — дея савол берди. Аҳмад бобо набирасининг бошини сийлаб:

— Аслида, дарвешона таомнинг ҳоли эмас, у ерда ёрма қилинади. Аммо ҳар сафар дарвешонада ейилгани учун бу таомни шундай аташди. У ерда ош, ёрма каби тўйимли, серғўшт, тансиқ таом пиширишнинг ҳам ўзига яраша сабаби бор. Илгари қиш кунлари

кўпчилик оилаларда етишмовчилик бўлган. Базми оилаларнинг қора қозони қайнамай қоларди. Бу эса ота-боболаримиз айтган “илик узилди”, яъни инсон ҳолсизланиб, витамин етишмовчилигидан азият чекадиган ерта баҳорда тез бетоб бўлиб қолишга олиб келарди. Дарвешонада мана шундай оилалар ҳам тўйиб есин, кучга тўлсин деб тансиқ таом пиширилади. Аёллар уйларида қанд-курс, ширинликлар тайёрлаб боради ва узун дастурхон безайди. Эркалар эса ўчоққа дошқозонни ўрнатиб, таом тайёрлашга тутинади.

Бундай тadbirlar юртдошларни бир жонун билан бўлиб ишлашга, ҳамжиҳатликда, ватан равнақи, халқ фаровонлиги учун ҳаракат қилишга ундайди. Балки шунинг учун ҳам эски тузум даврида халқнинг бундай урф-одатлари, анъаналарини эскилик сарқити деган важар билан тақиқлашга уринишгандир.

Аҳмад бобо сўзга берилиб, ўз хаёллари билан бўлиб, набираси ухлаб қолганина ҳам сезмади. Сўнг набиралари дарвешонага йўл олди, Аҳмад бобо эса хаёллари, аччиқ-чучук хотиралари билан ёлғиз қолди.

Уйқу элган Аҳмад бобо кўзларини очса, аллақачон қош қорайибди. Бир оздан сўнг дарвешонадан қайтган ўғли ва набиралари кириб келди. Аҳмад бобо менга ҳам дарвешона олиб келдиларингми, деб сўради. Афсуски, ҳеч ким олиб келмабди. Ўғли отасининг истагини унутганидан мулзам бўлди.

Шу пайт ташқаридан “Аҳмад бобо, ҳов, Аҳмад бобо”, деган овоз эшитилди. “Лабабай”, деди жойидан жимлай катта набираси. Ташқаридан “Аҳмад бобога раис дарвешона бериб юборди, олиб қолингизлар”, деган овоз келди.

Аҳмад бобо таомланиб, ўғли ва набираларининг таассуротларини тинглади. Аслида, бу таъмини эмас, дарвешонанинг ўзини соғинганини англади. Набиралари уйқуга кетгач, ўғлига бир оз насихат қилган бўлди:

— Сени биз ўтиб кетамиз, аммо Наврўз, дарвешона сингари қадриятлар боқий қолади. Ёлни эл қилиб турган нарса ҳам унинг мана шу боқий қадриятларидир. Улар халқни бирлаштиради. Бу кун набираларининг онгига ўчмас бўлиб муҳрланиб қолди. Келгусида мана шундай хотиралар уларни бир-бирига, оила, ватан, халқига кўринмас занжирдек боғлаб туради.

Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ҒАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АССОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ
УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Ғазетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Ғазета таҳририят компьютер марказида саҳифаланади.
Ғазетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-146.
37346 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Обфсет услуди босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Беккул Эгамкулов
Мусахҳис: Аслидин Абдуразақов
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 00:55 Топширилди — 01:10